Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 91 (6981). | 17 май, 1979 йил ◆ ПАЙШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

МЕҲНАТ унумдорлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шунинг учун Коммунистик партия мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг барча босқичларида иш унумини оширишга катта эътибор берди ва ҳозир ҳам биринчи даражали вазифа деб ҳисоблаб, экономиканинг барча тармоқларида ҳар бир ишловчи ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигини муттасил кўпайтириш учун ҳамма имкониятлар ва резервлардан тўла фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини уқтирмоқда.

КПСС XXV ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездлари тарихий қарорлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш ўнинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажариш, халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан белгиланган барча режаларни муваффақиятли амалга ошириш манфаатлари ҳамма соҳада меҳнат унумдорлигини тинмай ошириб боришини тақозо этяпти.

Областимиз экономикасининг кўпчилик тармоқлари, аксарият ишлаб чиқариш коллективлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, асосий ва оборот фондларидан фойдаланишни яхшилаш, асбоб-ускуналарнинг сменали коэффициентини ошириш, капитал маблағлардан оқилона фойдаланиш, ишга туширилган янги қувватларни қисқа муддатларда тўла ўзлаштириш, иш вақтининг бекор ўтишини камайтириш ва бошқа шу каби омиллар ҳисобига меҳнат унумдорлигининг тез суръатлар билан ортишига эришмоқдалар. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда партия, касаба союз ташкилотлари, хўжалик органлари ишчи-хизматчиларнинг куч-ғайрати, ижодий изланишини белгиланган планлар ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар этаётган бўлсалар, шу ерда барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар қатори меҳнат унумдорлиги ҳам тўхтовсиз ортиб бормоқда.

Республикамиз пойтахтидаги А. П. Чкалов номли авиация, «Лаззат», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли бирлашмалар, «Ташсельмаш», «Ўзбекхиммаш» заводлари ва бошқа ўнлаб корхоналар коллективлари меҳнат унумдорлигини оширишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Айниқса, Тошкент электрон техника заводи меҳнат аҳлининг бу соҳадаги ишлари бошқалар учун ибратлидир.

Корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берадиган резервлардан фойдаланишга катта аҳамият беришмоқда. Шу мақсадда қатор ишлаб чиқаришлар реконструкция қилинаяпти, кўплаб янги асбоб-ускуналар ишга туширилмоқда. Энг сўнгги технология жараёнлари ўзлаштирилаяпти, хўжалик ҳисоби кенг жорий этилмоқда. Маҳсулотларнинг замонавий турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Социалистик мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантиришда унумдорлик алоҳида ҳисобга олинаяпти. Шу туфайли ҳам корхонада ўнинчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида меҳнат унумдорлиги 54 процент ортди. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши асосан унумдорлик ҳисобига бўлди.

Пойтахт областимиз саноатчилари меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган кўпдан-кўп ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш туфайли ўз фаолиятларининг бу кўрсаткичи муттасил ортишига эришмоқдалар. Шу йилнинг ўтган биринчи кварталида меҳнат унумдорлигининг юксалиши планда назарда тутилганидан сал кам икки процентдан ортиқроқни ташкил этди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ортишининг тўртдан уч қисмга яқини унумдорлик эвазига таъминланди.

Лекин, ҳамма ишлаб чиқариш коллективларида ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берадиган резервлардан тўла ва оқилона фойдаланиляпти деб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича зиммага олган социалистик мажбуриятлар у ёқда турсин, ҳатто қонун кучига эга бўлган давлат планини бажармаётган корхоналар ҳам анчагина бор. Шуни айтиш кифояки, областимиз бўйича 59 та корхона ёки ҳар ўн корхонанинг бири меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини бажаришнинг уддасидан чиқмаяпти. Кўпгина қурилиш ташкилотлари, алоқа, транспорт корхоналари ҳам бу соҳа бўйича белгиланган маррани эгаллай олмаяптилар. Ваҳоланки, агар шу корхоналар коллективлари унумдорлик бўйича планни бажарганларида бундан халқ хўжалиги ўнларча миллион сўмлик қўшимча маҳсулот олган бўларди.

Айрим шаҳарлар ва районлар индустрияси ходимлари шу йилнинг биринчи кварталида меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларининг бажарилишини таъминлаганликлари ташвишли бир ҳолдир. Оҳангарон шаҳри, Оққўрғон, Чиноз районлари шулар жумласидандир. Ҳар бир ишловчи ҳисобига меҳнат унумдорлиги ўтган йили эришилган даражадан ҳам камайиб кетган корхоналар ҳам йўқ эмас. Бундай аҳвол шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, айрим шаҳар ва район парти комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, раҳбар хўжалик органлари барча корхоналар ва ташкилотларда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш устидан қатъий назорат ўрнатишмаган. Бунинг оқибатида техника тараққиётини жадаллаштириш, прогрессив технология ва илғор иш усулларини жорий қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл кучи сарфини камайтириш, иш шароитини яхшилашга қаратилган жуда кўп тадбирлар қоғозда қолиб кетмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи тўртинчи йилида областимиз индустрияси ходимлари зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишлашяпти. Жумладан, меҳнат унумдорлигини планда белгиланганига нисбатан 2 процент ошириш ва шунинг ҳисобига ялпи маҳсулот кўпайишининг 85 процентини таъминлашга ахд қилишган. Бу ваъданинг сўзсиз бажарилишига эришиш, унга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи, барча ишчи-хизматчиларнинг шарафли бурчидир.

Барча корхоналар ва ташкилотларда меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омиллари ҳисобланган техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ҳар хил формаларидан самарали фойдаланиш керак. Социалистик мусобақани янада авж олдириш, унинг иштирокчилари унумли ва сифатли меҳнат қилишлари учун қулай шароитларни яратиш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили меҳнат унумдорлигини ошириш учун ҳар бир корхонада, ҳар бир иш жойида бир дақиқа ҳам бўшашмасдан қизғин давом этишига, бу муҳим кўрсаткич ҳамма жойда муттасил ортиб боришига эришайлик.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 15 май куни Кремлда БМТ Бош секретари Курт Вальдхаймни қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ масалалар, шунингдек бошқа халқаро проблемалар кўриб чиқилди.

А. Н. Косигин Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш ва бу жараённи дунёнинг ҳамма районларига жорий этиш йўли ўзгармас йўл эканини айтиб, урушнинг олдини олишга, қуролланиш пойгасини чеклашга ва қуролсизланишга доир амалий тадбирларнинг биринчи даражали аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

У халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш ишида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ролини янада ошириш муҳимлигини уқтирди. Бунинг учун БМТ ихтиёрида зарур имкониятлар бор ва шу имкониятлардан БМТ уставида кўзда тутилганидек тўла-тўкис фойдаланиш лозим.

Суҳбатда кескинликнинг мавжуд манбаларини тугатиш ва янги манбалари вужудга келишига йўл қўймаслик вазифаларига тааллуқли масалалар устида ҳам гаплашиб олинди.

К. Вальдхайм Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотини доимо қўллаб-қувватлаётгани учун ҳамда унинг халқаро кескинликни юмшатишга ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари учун миннатдорчилик изҳор этди.

(ТАСС).


ЮК КЕМАСИ ТУТАШТИРИЛДИ

15 май куни «Прогресс-6» автомат транспорт юк кемаси учувчи бошқараётган «Салют-6» — «Союз-32» орбитал комплекси билан туташтирилди.

Юк кемаси «Салют-6» станциясининг қўшма двигатель установкаси учун ёнилғи, асбоб-ускуналар, аппаратлар, экипажнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш ва илмий-тадқиқотлар ҳамда экспериментлар ўтказиш учун материаллар, шунингдек почтани орбитага олиб чиқди.

(ТАСС).





Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхознинг Абдулахат Нурматов бошлиқ бригадаси механизаторларни қатқалоққа қарши курашни ва текис униб чиққан ниҳолларга биринчи ишлов беришда жонбозлик кўрсатдилар. Айниқса тажрибали механизатор Раҳимжон Сиддиқов ҳамкасбларига ўрнак бўлиб ишлаётир. Бу йил бригада коллективи ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтаришга ахд қилган.

Р. Галиев фотолари.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА ҲИССАНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

Тошкент область партия комитетида Совет тинчлик фондига кўмаклашувчи Тошкент область шаҳар, район комиссиялари ва группалари раислари билан семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Тошкент область тинчликни ҳимоя қилиш комитети раиси, область касаба союзлари Советининг раиси **А. В. Браилов** область Тинчликни ҳимоя қилиш комитети ва Тинчлик фондига кўмаклашувчи комиссия фаолияти ҳақида доклад қилди.

Семинар-кенгашда Совет тинчлик фондига кўмаклашувчи комиссиялар ва группалар иши сўнгги вақтларда анча активлашганлиги қайд қилинди. Область саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, қурилишлар, колхозлар, совхозлар ва илмий муассасалар коллективлари Тинчлик фонди фаолиятида, унинг маблағини тўлдиришда актив иштирок этмоқдалар.

Ҳар йили шанбаликлар, якшанбаликлар, «Тинчлик рейслари», «Тинчлик вахтаси» ўтказиш анъана бўлиб қолди. Уларда ишланган пул Совет тинчлик фондига берилмоқда ва бу билан бевосита халқлар осойишталиги, озодлиги ва хавфсизлити учун курашдек ҳайрли ишда иштирок этилмоқда. Масалан, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи шанбалик ўтказилганидан кейин Тинчлик фондига 52 минг сўм, Ўзбекистон металлургия комбинати ва Тошкентдаги «Миконд» заводи ишчи-хизматчилари 8 минг сўмдан пул ўтказдилар.

Автомобиль транспорти ходимлари, Ғалаба ва Оқкўрғон районларидаги колхозлар ҳамда совхозлар Тинчлик фондига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Сўнгги икки йил ичида жами 1 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ Тинчлик фондига ўтказилди.

Тинчлик фондида октябрят ва пионерларнинг иштирок этиши, айниқса, кувончли ва таъсирлидир. Улар макулатура топширишаяпти, металлом йиғишмоқда, дориворҳ ўсимликлар теришаяпти. Фақатгина Ўрта Чирчиқ ва Коммунистик районлари мактаб ўқувчилари бу йил 700 сўмдан ошиқ пул ишладилар ва Тинчлик фондига бердилар.

Областнинг барча шаҳарлари ва районларида Совет Тинчлик фондига кўмаклашувчи комиссиялар ва группалар ташкилий ишларни КПСС XXV съезди қарорларини, Тинчлик программасини ва Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини пропаганда қилиш билан бирга қўшиб олиб бормоқдалар. Тармоқ касаба союзлари область комитетлари, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари, Фрунзе, Ленин ва Чилонзор районлари Совет Тинчлик фондига кўмаклашувчи комиссиялари муттасил ва планли равишда шу йўналишда ишламоқдалар.

Бу ташкилот правлениеси Совет Тинчлик фонди фаолиятида актив иштирок этганлиги учун областимиздаги 39 корхона, колхоз, совхоз ва ташкилотларни ҳамда 35 активни тинчлик Фахрий ёрлиқлари ва медаллари билан мукофотлади.

Семинар-кенгашда Совет тинчлик фондига кўмаклашувчи Чирчиқ шаҳар комиссияси раиси, шаҳар партия комитетининг секретари **Н. К. Савченко,** Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг Совет Тинчлик фондига кўмаклашувчи группа раиси, слесарь **А. Раҳимхўжаев,** Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг кўмаклашувчи группа раиси, комсомол комитетининг секретари **В. Т. Ким,** пахта селекцияси ва уруғчилиги институти кўмаклашувчи группа раиси, партия ташкилотининг секретари **С. Раҳмонқулов** ва Тошкентдаги 2-автокорхона кўмаклашувчи группа раиси, ҳайдовчи **Ф. Ҳ. Тинчеровлар** ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгашда Тошкент область партия комитетининг секретари **А. М. Хўжаев** нутқ сўзлади.

Совет Тинчлик фондига кўмаклашувчи Ўзбекистон Республика комиссиясининг раиси, СССР халқ артисти **С. Эшонтўраева** Тинчлик фонди активларига мукофотлар топширди.

ТАДБИРКОР ДЕҲҚОНЛАР

Ҳозир деҳқонларнинг ишлари бошларидан ошиб-тошиб ётибди. Уларнинг кўлари-қўлларига тегмайди. Бу йил ҳам оби-ҳаво ноқулай келди. Экиш одатдагидан анча кечикиб кетди. Уруғликнинг униб чиқиши ҳам бироз орқага сурилди. Ҳавонинг паст келиши туфайли ғўзаларда илдиз чириш ҳавфи ҳам туғилди.

Лекин ҳар йилнинг ўзига хос ижиқликлари, қийинчиликлари бўлади. Буни ҳисобга олиб, оқилона иш юритаётган деҳқонларга балли! Улар юз берган қийинчиликларни мардона бартараф этмоқдалар. Экинларнинг яхши ривожланишини таъминламоқдалар.

«Заря Коммунизма» колхози Ғалаба районидаги серҳосил хўжаликлардан бири ҳисобланади. Ўтган йилги оғир шароитда ҳам бу хўжалик механизаторлари ҳар гектар майдондан 40,1 центнердан ҳосил олиб, йилни ғалаба билан якунладилар. Бу қатъий планда белгиланганидан 7,6 центнер кўп демакдир.

Колхознинг илғор бригадаларида бундан ҳам юқори ҳосил олинди. Масалан, Ан Хо Нам бошлиқ бригада аъзолари 50,6 центнердан ҳосил етиштириб, колхозда энг юқори кўрсаткич га эришдилар. Шунингдек, Жумадилла Туқсайтов, Ким Иля ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам гектаридан 45,1, 46,3 центнердан хирмон кўтардилар.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қароридан руҳланган колхоз механизаторлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар майдондан 43 центнердан ҳосил олишга ахд қилиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Илғор бригада аъзолари 48—52 центнердан пахта етиштиришга сўз бердилар. Ана шу ахдга яраша мўл ҳосилга замин яратмоқдалар.

Чигит қисқа вақтда экиб олинди. Ўзларга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган селяка билан туксиз чигит экилди. Оби-ҳавонинг паст келиши натижасида юз берган аҳволнинг олдини олиш, қатқалоққа йўқотиш учун ғўза культивациясини тезлаштириш зарур эди, — дейди колхоз агрономи Ан Сен Нам, — шу мақсадда мавжуд техника воситалари, барча ишчи кучлари дала ишларига сафарбар этилди. Тракторларнинг бетўхтов ишлаб туриши таъминланди. Бир механизатор дам олаётганида бошқа механизатор тракторни ишлатди. Шу туфайли биринчи культивация барвақт тамомланди.

Дарҳақиқат ҳозир далаларни кезган кишининг баҳри-дили очилади. Қаторларда кўм-кўк кўкариб турган ғўза ниҳоллари кўзни қамаштиради. Бу ниҳоллар мўл ҳосилнинг дастлабки нишоналари, деҳқон қувончи.

Абдуқодир Жуманазаров, Ким Слава, Ким Крим, Худойберди Кўркибоев сингари механизатор юз берган қийинчиликларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Энди улар ғўзанинг иккинчи культивациясини қизитиб юбордилар.

Ғўзалар кунданкунга ривожланиб деҳқонларга зўр ишончу кувонч бағишламоқда. Бу — ўз вақтида шароитни тўғри ҳисобга олиб кўрилган тадбирнинг самарасидир.

Б. ХАЛИЛОВ.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

«ВОЛЖАНКА»ЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг олимлари республика колхоз ва совхозларига ғўзани суғоришда «Волжанка» ёмғирлатиб суғориш установкаларидан фойдаланиш методик кўрсатмаларини бердилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний Маяк» колхозида ва Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозида ўтказилган тадқиқотлар қишлоқ хўжалик экинларини шундай усулда суғориш илғор усул эканлигини исботлади. Бундай усул жўякларга сув таратиб суғоришга нисбатан сув ва қўл меҳнати сарфини қисқартириш имконини беради. Бу хўжаликларда «Волжанка» агрегатлари механизациялаштирилган бригадалар составида бўлиб, бутун мавсум мобайнида бир далага бириктириб қўйилади. Ўтган йили бу ерларда ана шундай ҳар бир машина билан тупроқ структурасига қараб уч-беш марта суғорилди. Бунда ҳар гектар ерга 450 куб метрдан 900 куб метргача сув сарфланди. Ҳар бир агрегат сал кам 80 гектар ерни суғоришни «ўз зиммасига» олди.

Беш йиллик тўртинчи йилида республиканинг деярли барча областларидаги далаларни суғоришда бир неча юз «Волжанка» ишлайди. 30 минг гектар пахтазор, пайкал ва боғларни ана шу агрегат билан суғориш кўзда тутилмоқда.

(ЎзТАГ).

МУСТАҲКАМ ОЗУҚА БАЗАСИ ЯРАТАЙЛИК

Бу йил областимиз чорвадорлари ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғини янада мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга қарор қилишган 46260 тонна гўшт, 168100 тонна сут, 320 миллион дона тухум етиштириш мўлжалланган. Бу юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун 850 минг тонна дағал хашак, 322 минг тонна сенаж, 321 минг тонна пичан, 700 минг тонна силос тайёрланиши керак.

Озуқа экинлари ва табиий ўтлари қисқа муддатларда нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш, колхоз ва совхозларда мўл озуқа захираси ҳозирлаб қўйиш муҳим вазифадир. Бунинг учун ҳозирги кунда барча қишлоқ меҳнаткашларини озуқа тайёрлашни муваффақиятли ўтказишга, уни икки йилга етадиган миқдорда жамғаришга эришиш учун сафарбар этиш зарурдир.

Тошкент, Оққўрғон, Калинин районлари хўжаликларида озуқа тайёрлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу районлардаги кўпгина колхоз ва совхозлар биринчи ўримнинг ўзидаёқ сенаж бостириш топшириғини бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Оққўрғон районидаги Ботинцев номли, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Ғалаба районидаги Ленин номли, Бекобод районидаги Ленин номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозлари, Оҳангарон районидаги «Оҳангарон», Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозлари, Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхозтехникуми ва бошқа бир қатор хўжаликлар 1978 йилда ҳар гектар бедазордан 170—240 центнердан беда ҳашаги йиғиштириб олдилар. Уларнинг бу йилги марралари ҳосилдорликни 200—250 центнерга етказишдир. Бу ва кўпгина бошқа хўжаликларда махсус транспорт-механизациялашган отрядлар тузилган.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН 14 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районлар	Дағал хашак (тонна)		Бажарилиш процента	Шу жумладан		Тайёрланган ўт уни
	топшириқ			сенаж	пичан	
Тошкент	40.000	33,0	60,0	—		—
Оққўрғон	50.000	29,0	79,0	0,5		—
Калинин	59.000	20,0	55,0	1,0		2,5
Ғалаба	73.000	17,0	31,0	13,0		—
Бўка	52.000	13,0	34,0	1,0		—
Бекобод	67.000	12,0	32,0	0,3		0,3
Ўрта Чирчиқ	62.000	12,0	26,0	1,3		—
Янгийўл	50.000	5,0	2,0	0,3		—
Чиноз	70.000	4,0	13,0	—		2,5
Пискент	44.000	4,0	10,0	—		—
Орджоникидзе	43.000	4,0	10,0	—		0,4
Оҳангарон	100.000	3,0	6,0	1,3		0,2
Коммунистик	90.000	1,0	2,0	—		—
Бўстонлиқ	60.000	—	—	—		—
Область бўйича	850.000	10,0	25,0	2,0		0,45

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Оҳангарон, Коммунистик, Орджоникидзе, Пискент ва яна бир қатор районларда озуқа жамғариш суръати ҳали паст. Бўстонлиқ районида хўжаликлари эса озуқа тайёрлашга киришганлари ҳам йўқ.

Ҳозирги кунда ҳар бир район, колхоз ва совхозда пичан ўриш юзасидан конкрет планлар тузиш, техникани юксак унум билан ишлатишга эришиш зарурдир. Бунинг учун озуқа тайёрлашга етарли миқдорда ишчи кучларини сафарбар этиш ва бу ишга шаҳарликларни ҳам жалб этиш лозим. Бироқ Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгиобод шаҳарлари топширинни бажариш учун етарли миқдорда ишчи кучи ва транспорт ажратмаётирлар.

Район марказларининг оталиқ ташкилотлари ҳам ем-хашак жамғаришга ҳамон сафарбар этилмаган. Районларда пичан ўриш ишларини ташкил этиш юзасидан ҳақиқий контроль ўрнатилмаган. Шаҳар ва район корхоналари ҳамда ташкилотлари раҳбарлари озуқа тайёрлаш суръатларини жадаллаштириш учун кишлоққа актив ёрдам бериш юзасидан зарур чоралар кўришлари керак.

Чорва моллари озуқа рационида витаминли ўт уни алоҳида ўрин тутади. Бу йил колхоз ва совхозлар 30 минг тонна ўт уни тайёрлашлари керак. Бунинг учун районларда 51 та махсус агрегатлар мавжуд.

«Ангрен», «Оҳангарон», 1-«Пискент» совхозлари ва «Чиноз» наслчилик совхозтехникуми шунингдек, бир қатор хўжаликларда витаминли ўт уни тайёрлайдиган махсус цех ташкил этилган. Бу цехлар уч сменада ишлаш учун ишчи кучлари билан таъминланган. Ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган ва сменалар, бригадалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа уюштирилган. Шунинг учун ҳам бу хўжаликларда дастлабки кунданоқ «АВМ» агрегатлари юксак унум билан ишлаб турибди.

Бироқ, ҳамма ерда ҳам ўт уни тайёрлаш соҳасидаги ишлар намунали йўлга қўйилган, деб бўлмайди.

Область бўйича мавсум бошланишига қадар 37 та агрегат тайёрланган. Яна 14 та шундай агрегат монтаж ва ремонт талаб бўлиб турибди. Оталиқ ташкилотлари бу агрегатларни монтаж қилиб ишга туширишда амалий ёрдам кўрсатсалар ўт уни тайёрлашни янада кўпайтиришга катта ҳисса қўшган бўлур эдилар.

Кўпгина хўжаликларда ҳанузгача махсус цехлар бунёд этилгани йўқ. «Сельхозтехника» ташкилотлари мавжуд агрегатларни техник каровдан ўтказиш учун тўла қабул қилиб олмаганлар. Баъзи жойларда эса кадрлар билан таъминланмаганлиги учун кўп агрегатлар бекор турибди.

Озуқа тайёрлашнинг бориши ва унинг сифати, механизаторлар ва озуқа жамғаришда иштирок этаётган кишилар ўртасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш партия ташкилотларининг асосий вазифаларидир. Анъанавий шанбаликлар ва якшанбаликларга меҳнатга яроқли аҳолини кенг сафарбар этиш лозим.

М. МУЛЛАЕВ,
Тошкент область халқ контроли комитетининг раиси.

ҒАМХЎРЛИК ВА МЕҲРИБОНЛИК БИЛАН

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида Улуғ Ватан урушида ҳалоқ бўлган қаҳрамонлар шарафига ўрнатилган ёдгорликлар ёнида кўпинча олма дарахтларини кўриш мумкин. Мангу олов ёнида ўтирилган дов-дарахт жангчи бўлган деҳқонлар ва ишчилар азиз жонини қурбон қилган эруғ дунёнинг нақадар гўзаллигидан далолат бериб туради. Баҳор кезлари олма гуллари тўкилиб ҳалоқ бўлганлар номи ўйиб ёзилган гранит плиталар устини қоплайди. Дейлик вазнсиз бу олма гуллари душманга қарши жанг қилишга жўнаб кетиб, қайтиб келмаганлар тўғрисидаги ўлмас хотирадир.

Фарғона область Риштон районидаги «Коммунизм» колхозида урушда ҳалоқ бўлган ҳамқишлоқлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойида Мангу олов ёниб турибди. Бу ёдгорлик шу хўжаликнинг собиқ раҳбари, Улуғ Ватан урушининг машҳур партизани, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топиболдиевнинг ташаббуси билан бунёд этилган. Ҳозир Могилев областидаги қишлоқ, Риштондаги мактаб ва кўча унинг номи билан аталади. Ўз ҳаётини Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун бағишлаган жангчилар орасида Александр Матросовнинг жасоратини такрорлаган ўзбек йигити Карим Султоновнинг ием-шарифи гранитга ўйиб ёзиб қўйилган. Ёшларимизни шу ерда пионерликка, йигит ва қизларни эса комсомолга қабул қилишади, одамлар бу ерга байрам кунлари ҳам, оддий иш кунларида ҳам келиб туришади. Мангу машъала ёниб турувчи бундай ёдгорликлар худди Риштондаги каби республиканинг бошқа жойларида юзлаб саналади.

Аммо ҳалоқ бўлган жангчиларнинг муқаддас хотираси ҳозир барҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига доимий ғамхўрлик билан чамбарчас боғлиқдир. Партия комитетлари бу кундалик ишларида Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китобида илҳом билан айтган ушбу кўрсатмаларига амал қилмоқдалар: «Бугун ҳам, жанглардан кейин орадан кўп йиллар ўтгандан кейин биз кўпдан-кўп ишлар қатори урушда қатнашган кишиларни ҳамиша эсда тутишимиз зарур. Зотан, улар тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз, тирикчилик ишларида кўмаклашишимиз, бу — ҳокимият органларининг, барча гражданларнинг маънавий бурчи, бу — ҳаётимизнинг қонунидир».

Республикада уруш қатнашчилари ва инвалидларининг, урушда ҳалоқ бўлганлар оилаларининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга катта эътибор берилмоқда. Бу масалалар ҳамиша Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг, жойлардаги партия ва совет органларининг диққат-эътиборида турибди. Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Андижон ва Самарқанд областларида бу иш яхши йўлга қўйилган. Чунончи, Қашқадарёда область партия комитетининг бюроси ва секретариати бу соҳадаги барча қоидаларнинг аниқ бажарилишини ўз контроллигига олган. Кейинги уч йил мобайнида областда уруш инвалидларига 526 та махсус транспорт, минтақа ички санаторий-курорт йўлланмалари, қирқ минг сўмлик дори-дармон ажратилди. Шу вақт ичида ҳалоқ бўлган жангчиларнинг икки мингдан кўпроқ оиласига моддий ёрдам кўрсатилди, уларнинг 519 квартираси ремонт қилиб берилди, 305 оила эса янги шинам уйларда ҳовли тўйлари ўтказди. Областнинг қўпгина ҳўжаликларида фронтчилар учун уй-жойлар қуриб берилди, уруш инвалидларининг пенсиясига қўшимча белгиланди, собиқ фронтчи Неъматжон Жўраев раис бўлган Китоб районидаги Қуйбишев номли колхозда эса правление фақат уруш инвалидлари ва ҳалоқ бўлганларнинг оилалари учунгина эмас, балки урушнинг ҳар бир қатнашчисига шахсий пенсия тайинлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1978 йил 23 ноябрда эълон қилинган «Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароитини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори фронтчилар тўғрисида кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг янги ифодаси бўлди. Республикада бу қарорни амалга ошириш юзасидан тайёргарлик ишлари даҳшол амалга оширила бошлади. Орадан кўп ўтмай Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг тегишли қарори қабул қилинди. Имтиёз берилиши лозим бўлган кишиларга ёрдам кўрсатувчи барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш учун республика комиссияси тузилди. Комиссияга шу ишга алоқадор бўлган министрликлар ва идораларнинг вакиллари киритилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўзига берилган ҳуқуқлар доирасида уруш қатнашчиларига медицина, савдо, коммуналмаиший хизмати кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан қатор қўшимча тадбирлар белгилади. Шу қарорга биноан улар барча хизматлардан имтиёзли равишда фойдаланадилар ҳамда уй-жой билан биринчи навбатда таъминланадилар.

Биз якка тартибда ўтказиладиган суҳбатларда, йиғилишларда, матбуотда бу соҳада қандай конкрет ишлар қилинаётгани ҳақида ветеранларни хабардор қилиб борамиз. Масалан, янги ихтисослаштирилган шифохоналар қурилаётгани ҳақида, янка тартибда қурилган уй-жойларни капитал ремонт қилиш ва қуришда ветеранларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида, уларга харидоргир буюмлар сотиш тартиби тўғрисида, уларни қизиқтираётган бошқа кўп проблемалар ҳақида хабардор қилиб борамиз.

Фронтчиларга тантанали вазиятда Улуғ Ватан уруши иштирокчиси деган гувоҳнома берилиши улар ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолмоқда. Республика пойтахтининг Ленин райони ҳарбий комиссариатида бўлиб ўтган шундай учрашувлардан бирида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Шодмон Умаров бундай деди: «Бизлар фронтчилар ҳақида кўрсатилаётган ғамхўрликдан зўр ҳаяжондамиз. Биз бу ғамхўрликни КПСС Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюросининг, шахсан Леонид Ильич Брежневнинг ғамхўрлиги деб биламиз. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ўзи уруш нинг машаққатли йўлларидан бориб, сафдошлари билан биргаликда улкан имтиҳондан ўтди».

Инвалидларга, уруш қатнашчиларига ва ҳалоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига берилаётган имтиёзларнинг тўғри ва ўз вақтида бўлишини ҳамиша назорат қилиб турибмиз. Мабодо шикоятлар келиб қолгудек бўлса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари жойларга боришади. Бу ишда республика партия ташкилотига Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг генераллари ва офицерлари, Уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секцияси активлари катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Шаҳар ва посёлкаларда халқ депутатлари ҳамма уй-жойларда бўлиб социал таъминот органлари ҳисобида турувчи ҳамда уй-жой учун электр энергиясидан, газдан, сувдан ва бошқа коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашда имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва ҳарбий хизматчиларнинг оилалари рўйхатини олдилар. Баъзи областларда Улуғ Ватан уруши барча қатнашчиларининг махсус шахсий ҳисоб варақалари тўлдирилди. Уларда фронтчининг нималарга муҳтожлиги, унга қандай ёрдам кўрсатилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам бор. Бу — яхши ташаббус.

Ўзбекистондаги кўпгина соғлиқни сақлаш муассасаларида уруш инвалидлари ва уруш иштирокчилари учун махсус палаталар ажратилди, уларни уйида даволаш яхшиланди. Қашқадарё областининг Шаҳрисабз районида медицина ходимлари уруш инвалидлари ва қатнашчиларига шахсан биркитиб қўйилди. Диспансеризациядан ўтказиш учун врачлар бригадаси тузилган. Уруш инвалидлари навбатсиз қабул қилинади, стационарларда уларга 160 дан зиёд ўрин ажратиб қўйилган, дори-дармон уларнинг уйларига олиб бориб берилади.

Республикадаги баъзи савдо ташкилотларининг тажрибаси қўллаб-қувватлашга арзийди. Улар уруш инвалидлари, ҳалоқ бўлганлар оилаларини озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур буюмлар билан таъминлашни анча тартибга солдилар. Харидоргир буюмлар олдиндан берилган буюртма бўйича уларнинг уйига етказиб берилади. Тошкентда Улуғ Ватан урушининг I группа инвалидларининг ҳаммаси 54-хизмат-беминнат фирма магазинига бириктириб қўйилган, Сирдарё областининг Боёвут районида фронтчилар учун махсус магазин очилган, уларнинг уйига эса «бу ерда Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси яшайди» деган ёзув битиб қўйилган. Райком бюроси аъзолари, депутатлар, социал-таъминот органларининг ходимлари ветеранлардан ҳамиша хабар олиб туришади, ёш темирчилар улар яшайдиган уйларда холис хизмат постлари тузишган. Бу борада анчагина ишлар қилинди, яна кўп ишлар амалга оширилмоқда. Лекин бу ҳамма масалалар ҳал қилиб бўлинди деган маънони билдирмайди, албатта. Ҳамма жойда ҳам уруш қатнашчиларига давлат ажратиб қўйган маблағлар тўла реализация қилинаётгани йўқ. Холбуки, бу борада ҳеч қандай «тежам» бўлмаслиги керак, ветеран давлат гарантиялаб берган ҳамма нарсани олиши зарур. Ветеранларга медицина хизмати кўрсатиш системасини такомиллаштиришни давом эттириш, уларнинг ҳар бирини шинам уй-жой билан таъминлаш керак. Лекин гап моддий фаровонликдагина эмас, афсуски, баъзи ходимларда урушнинг у ёки бу қатнашчисини тўлақонлантираётган проблемаларни ҳал қилишда «моддий маблағлар» эмас, балки «ички маблағ» — дилкашлик, меҳрибонлик, одамларни диққат-эътибор билан тинглай билиш маҳорати етишмайди, ҳаққоний эътирозларга тегишинча эътибор бериш етишмайди. Шундай воқеалар ҳам бўлиб туради: бирор киши Улуғ Ватан урушида қатнашгандигини кўрсатувчи ҳужжатларини йўқотиб қўйди дейлик. Бундай одамнинг ташвишидан кўл силтаб бўладими, ахир? Йўқотиб қўйилган ҳужжатларни тиклаш тартибини айтиб, қаерга мурожаат қилиш кераклигини айтиб бериш, бунда унга ёрдам кўрсатиш лозим.

Ветеранларга ҳурмат-эътибор, уларнинг хизматларига ҳурмат билан қараш ветеранларни жамоат ишига, ёшлар тарбиясига ҳамиша жалб этишда ҳам кўзга ташланмоқда. Уруш ветеранлари ташкилотлари партия органлари раҳбарлигида КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини пропаганда қилиш юзасидан катта иш олиб бормоқдалар.

Республиканинг колхоз ва совхозларида, мактабларда ва олий ўқув юртларида жамоатчилик асосида ишлайдиган минглаб жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати бурчакларн, ҳоналари, музейлари ташкил этилган. Бу ерда кўпинча ветеранлар билан армияда хизмат қилишга жўнаб кетаётган ёшлар, йигитларнинг учрашуви бўлади, айтилган фронтчиларнинг наказларини эшитиб, Ватаннинг содиқ ҳимоячилари бўлишга сўз беришади. Бу ерда Улуғ Ватан уруши жангчилари ва командирларининг портретларини кўриш, фронтдан юборилган ва халқнинг бебаҳо мулки бўлиб қолган мактубларни ўқиш мумкин. Подмосковьедан ва Невининг Дубровкасидан, Киров ердан ва Волга соҳилларидан олиб келинган муқаддас тупроқ солинган капсула олдида туриш мумкин. Мана шу жойларда кўплаб ҳамюртларимиз кўкракларини қалқон этиб ҳақ-рамонона жанг қилган эдилар. Бундай алоқалар ёш қалблар туғёнини тошириб, бахтиёрлигимиз учун миннатдорчилик билдиришимиз керак бўлган кишиларнинг жасоратини чуқурроқ англаб олишга ёрдам беради.

О. САЛИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари.
(«ПРАВДА», 1979 йил, 16 май).

КАСБИНИ УЛУҒЛАБ

ҲОЗИРГИ ҳаётимизни электр нурисиз тасаввур қилиш қийин. Рўзғордаги кўпгина ишлар ҳам мана шу беминнат қувват зиммасига юкланган. Шундай экан, баъзида маълум сабабларга кўра хонадонда ёки маҳаллада электр чироғи ўчиб қолиши, электр асбобларининг бузилиб қолиши ҳоллари бўлиб туриши табиий. Ана шунда бизга бу соҳа ишчилари, электр монтёрлар ёрдамга келишади. Абдукарим Ҳолматов Бекобод районидаги «Победа» колхозида ана шундай ҳожатбарор касб эгаси сифатида ҳаммага танилган. Унинг сидқидилдан қилаётган меҳнатидан колхоз меҳнаткашлари мамнун.

— Мен ўз касбим билан фахрланаман ва бундан завқ оламан,— дейди А. Холматов.— одамларга керак бўлиш, уларга ёрдам бериш ҳар кишига ҳам ёқимли бўлса керак...

З. ЮСУПОВ.

ВЕТЕРАН РЕМОНТЧИ

ИЛЬЯ ЕГОРОВ ремонтчилик касбини Улуғ Ватан уруши йилларида, фронт бўлиб ўтган жойларда бошлади. Қўлига қурол олиб урушга отланган И. Егоров кейинроқ фашист босқинчиларни шикаст етказган темир йўлларни ремонт қилиш бригадасида хизмат қилди. У қуролдош дўстлари, ҳамюртлари билан биргаликда юзлаб километр масофадаги темирйўлларни тузатиб, қайта ишга солишда иштирок этди.

Айни кунларда «Бўка» совхози ишчилари Илья акани моҳир ремонтчи сифатида яхши танишади, ҳурмат қиладилар. Экин ишлари айни қизиган дамларда ва бутун ёз мавсуми давомида уни эрта тонгдан бошлаб иккинчи бўлим ремонт устахонасида учратиш мумкин.

Ҳ. АСРОҚУЛОВ.

ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИ — ТАРБИЯ МАКТАБИ

КПСС XXV съездида партия интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш учун коммунистларнинг активлиги, ташаббускорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири эканлиги қайд қилинган эди.

Колхозимиз партия ташкилоти коммунистларнинг ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида авангардлигини таъминлаш учун курашмоқда. Бунинг учун партиявий ишнинг турли форма ва методларидан самарали фойдаланилянти. Бу ўринда партия йиғилишига тайёргарлик ва уни ўтказиш тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Партия йиғилиши — коллектив раҳбарлик органидир. Шу билан бир қаторда сиёсий тарбиянинг, коммунистларнинг активлигини ва масъулиятини ошириш, оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни юксак савияда олиб боришнинг мактаби бўлиб хизмат қилянти.

Биз партия йиғилишларини перспектив план асосида олиб борамиз. Доклад тузишга кенг жамоатчилик жалб этилади. Партия комитети аъзолари билан бир қаторда мутахассислар, бригада бошлиқлари комиссия составига киритилади. Материаллар умумлаштирилгач, комиссия раиси йиғилишда ахборот беради. Шундан кейингина доклад мукаммаллаштирилиб, ниҳоясига етказилади.

Партия йиғилишидан 10 кун олдин кун тартиби эълон қилинади. Бундан мақсад ҳар бир коммунистнинг йиғилишга фикр ва мулоҳазалар билан келишига имкон яратишдир.

Аввало шуни таъкидлаб айтиш керакки, партия мажлиси кун тартибига шу кунининг энг муҳим, ҳаммани қизиқтирган масалалари кўйилиши лозим. Агар у кадар муҳим бўлмаган иккинчи даражали масалалар кун тартибига қўйилса партия мажлисининг таъсирчанлигига путур етади. Шунинг учун ҳам бир партия ташкилотининг бир йиллик перспектив иш планини тузар экамиз доимо фойдали самара беради. Ўша йиғилишларда тегишли қарор қабул қилинди, кейинги мажлисда ана шу қарорнинг қандай бажарилганлиги ҳақида ахборот эшитилди.

1978 хўжалик йилида 7—8 бригадаларда кам ҳосилдорлик ҳам танқид қилинганлиги ҳам эдик. Бригада аъзолари партия мажлиси қарорини ўрганиб чиқиб, тегишли хулосалар чиқаришди. Бу йил бригада аъзолари оширилган социалистик мажбурият олиб, самарали меҳнат қилмоқдалар. Агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилмоқда. Техникадан унумли фойдаланилянти. Шунингдек, маҳаллий ва маданий ўғитлардан тўғри фойдаланиш туфайли катта ҳосил учун муносиб хирмонга замин бор.

Умуман олдинги партия йиғилишларида қабул қилинган қарорнинг ижроси ҳақида ахборот эшитиб бориш анъана тусига айланган. Бу эса ишимизга ижобий ютуқларга олиб келмоқда.

Агар 1973 йилда колхоз бўйича 2900 тонна сабзавот етиштирган бўлсак, 1978 йилда эса ҳар гектар ердан 308 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 7300 тонна сабзавот топширилди. Ўтган йили ҳар гектар ердаги помидордан 550 центнердан хирмон кўтарилди. Айрим иғор бригадаларда хатто 650—750 центнердан ҳосил олинди.

Коллективимиз ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида юксак социалистик мажбурият олган. Коммунистлар ана шу катта хирмон учун курашда етакчилик қилмоқдалар.

Партия ташкилоти ўз йиғилишларида ишлаб чиқариш билан бирга оммавий-сиёсий ғоявий-тарбиявий масалаларни ҳам муҳокама қилиб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида ишлаб чиқариш кўрсаткичларини тинмай юксалиб боришига таъсир кўрсатмоқда.

С. АЙТУБОЕВ,
Калинин номидаги Оржоникидзе номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТ ИШ УСЛУБИ

Жаҳон янгиликлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ШИОРЛАРИ ОСТИДА

БОНН, 15 май. (ТАСС). Ғарбий Германиянинг энг йирик шаҳарларидан бири Мюнхенда «Европада тинчлик, тараққиёт ва барча меҳнаткашларнинг бирдамлиги учун кураш» шиори остида митинг бўлди. Бу митингни Германия Коммунистик партияси билан Франция Коммунистик партияси уюштирди. Митинг июнь ойида Европа парламентига ўтказиладиган сайлов олдидан тайёргарлик ишларига бағишланди.

ФКП ва ГКПнинг митингда сўзга чиққан вакиллари ҳар икки партия ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни монополиялар ҳужумига қарши, тинчлик ва демократияни ҳимоя қилиш йўлидаги курашга сафарбар этишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўяди, деб таъкидладилар. Франция ва Ғарбий Германия коммунистлари меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ишсизликни қисқартириш, пулнинг қадрсизланиши суръатларини чеклаш борасида аниқ программалар билан иш кўрмоқдалар.

ГКП раиси Г. Мис бундай деди: ҳозирги вақтда Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатларда қарийб 6 миллион ишсиз бор, буларнинг 1 миллионини ўз кучлари ва қобилиятларини ишга солиш имконини топаолмаётган ёшлар ташкил этади.

ФКП вакили Б. Монкла ўз нутқида нацистлар диктатураси даврида француз ва немис коммунистларининг фашизмга қарши биргаликда олиб борган кураши анъаналарини эслатиб ўтди. У порлоқ истиқболга олиб борадиган йўлни кўрсатиб бериш ҳозирги вақтда ҳар икки мамлакат коммунистик партияларининг мақсади, деб уқтириб ўтди.

Шундан кейин ўтказилган матбуот конференциясида ФКП ва ГКП вакиллари ҳар икки партия Саар, Рур ва Лотарингия металлургларининг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган кураши билан бирдам эканлигини таъкидладилар.

Ҳ. АМИННИНГ АЙТГАНЛАРИ

КОБУЛ, 15 май. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикасининг Бош министри ва ташқи ишлар министри Ҳафизулло Амин Гор вилоятидаги қабилалар вакиллари ҳузурида сўзлаган нутқида бундай деди: Афғонистон Демократик Республикасининг ҳукумати меҳнаткашларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда, меҳнаткаш халқнинг фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирларни сабот билан амалга оширмоқда. Афғонистон ҳукумати, деди у, сизнинг ҳукуматингиздир. Бу ҳукумат ер ислоҳотини ғалабали билан амалга оширмоқда. Бунинг натижасида неча минглаб ерсиз ва кам ерли деҳқонлар бепул ер олдилар. Ҳукумат мактабларни очмоқда, касалхоналарни ва дастлабки медицина ёрдам пунктларини барпо этмоқда. Афғонистон Демократик Республикасини иқтисодий ва соцнал ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик плани меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражасини янада юксалтиришга ёрдам беради.

Афғонистон Бош министри империалистик ва реакцион доиралар илҳомлантираётган , контрреволюцион унсурларга қарши кураш масалаларига тўхталиб, ҳукумат уларнинг макрли қирдикорларига қақшатгич зарба бериш ва апрель революциясининг порлоқ ғояларини амалга оширишга қатъий қарор берганлигини яна бир марта уқтириб ўтди.

ҲАМДЎСТЛИКНИНГ ТИНЧ АТОМ ҚУВВАТЛАРИ

1979 ЙИЛ арафасида Чехословакияда, Яславск-Богуницада биринчи атом электростанцияси «В-1»нинг 440 мегаватт қувватга эга бўлган биринчи блоки ишга туширилди. Бу эса республика энергетика қувватига қувват қўшди. Биринчи блокнинг фойдаланишга топширилиши яна бир қардош мамлакатнинг атом энергиясидан саноатда фойдаланиш асрига қадам қўйганлигини билдиради. Бу шунингдек қардош мамлакатлар, жумладан, Совет Иттифоқи мутахассислари, бунёдкорлари коллективининг йирик ютуғидир.

ЧССР атом энергетикасининг бу тўнғич станцияси халқ хўжалигининг энг муҳим соҳаси структурасида катта ўзгаришларни бошлаб беради. Шундан сўнг яна бир блок ишга туширилади, яқин-атрофда эса худи шундай яна битта атом электр станцияси қад кўтаради. Шундай қилиб, Ясловск-Богуница республика атом энергетикасининг маркази бўлиб қолади.

Республикада Ясловск-Богуницада қурилганига ўхшаш яна 10—12 блокни бунёд этиш, шунингдек, тўртта блокдан биринчиси 1000 мегаватт қувватга эга бўлган яна бир станция бунёд этиш мўлжалланмоқда. 1990 йилга бориб мамлакатда атом электр станцияларининг умумий қуввати 10 минг мегаваттни ташкил этади, улар ЧССРда ҳосил қилинаётган барча электр қувватининг учдан бир қисмига яқинини беради.

Ана шу ишларнинг ҳаммаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари ҳамкорлигининг узоқ муддатга мўлжалланган ҳамда ёқилғи-энергетика проблемасини биргаликда ҳал қилишни кўзда тутган программаси асосида олиб борилмоқда. Программада мўлжалланганига мувофиқ, масалан, Польшада 15 йил ичида умумий қуввати 7500 мегаватт бўлган атом электр станциясини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. СССРдан сўнг ГДР «Атом энергетикаси клуби»га аъзо бўлиб кирган биринчи қардош мамлакат бўлган эди. Бу ерда ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери Рейнсберг шаҳридаги станция шаҳарлар, заводлар, қишлоқларга электр токи етказиб бермоқда. Бруно Лайшнер номли яна бир ундан ҳам қувватлироқ атом электр станцияси ҳам қад кўтарди. Навбатда — янги реакторлар, янги агрегатлар.

Болқонда атом энергетикасининг тўнғичи бўлмиш «Козлодуй» атом электр станцияси Болгария энергетикаси учун ўзига хос йўлчи юлдуз бўлиб қолди. Ҳозирда бу станциянинг агрегатлари БХР жами электр қувватининг салкам 16 процентини етказиб бермоқда. Шу беш йиллик охирига бориб учинчи ва тўртинчи агрегатлар ишга тушади, натижада «Козлодуй» АЭСининг қуввати икки баравар ошиб, республиканинг асосий энергетика маркази бўлиб қолади. Бу ерда ҳар йили 11—12 миллиард киловатт-соат қувват ҳосил қилинадиган бўлади. Пакша шаҳрида Венгрияда биринчи атом электр станцияси қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда, 1980 йилга бориб 440 мегаваттли агрегат электр токи бера бошлайди.

Энг муҳим энергетика проблемаларини ҳал қилишга бундай кенг миқёсда ёндошиш социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олдида қатор вазифаларни келтириб чиқарди. Шуларни ҳал қилиш учун атом машинасозлигини энг кўп даражада ривожлантириш программаси қабул қилинди. Унда ҳалқаро ихтисослаш ва кооперациялашни чуқурлаштириш кўзда тутилади. Мазкур программанинг амалга оширилиши СЭВга аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодий интеграциясини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Совет Иттифоқи, Чехословакия, Венгрия, Польша, ГДР ва бошқа давлатларда ноёб асбоб-ускуналарни яратиш ҳамда юқоридаги программанинг туб вазифаларини ҳал қила оладиган янги корхоналарни қуриш бўйича ишлар авж олдириб юборилди.

Ўтган йил охирида Волгодонск шаҳрида атом машинасозлиги улкан корхонаси — «Атоммаш»нинг биринчи қуввати фойдаланишга топширилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев шу корхонани қурган меҳнаткашлар коллективини жойида ғалаба билан табриклаб, бу ишни атом энергетикасини тез суръатлар билан ривожлантириш борасида КПСС XXV съезди кўзда тутган программани амалга оширишга қўшилган муҳим ҳисса, деб баҳо берди.

«Атоммаш» биринчи навбатининг ишга тушганлиги қардош мамлакатлар учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Худди шу ердан социалистик ҳамдўстликнинг янги адресларига реакторлар, парогенераторлар ва бошқа хил замонавий мураккаб техника жўнатиб турилади. Буларнинг ҳаммаси қардош мамлакатлар биргаликда амалга ошираётган кенг миқёсдаги энергетика программасини муваффақиятли бажариш имконини беради. Бу программани бажариш устида совет кишилари билан биргаликда Чехословакиянинг «Шкода», Венгриянинг «Ганца», Польшанинг «Дольмель» ҳамда ГДРнинг ТУР коллективлари, бошқа юзлаб корхоналар ҳатнашмоқдаки, уларнинг маҳсулоти атом электр станцияларн бунёд этиш учун жуда зарурдир.

А. ПОЛЕХИН,
(АПН).

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

БЕКОБОД РАЙОНИДА

МЕҲНАТКАШЛАР МАМНУН

ДЕҲҚОНЛАР учун айни долзарб шу кунларда Мукимий номидаги ўзбек Давлат музикали драма ва комедия театрининг бир группа санъаткорлари район хўжаликларида бўлишиб, меҳнаткашлар дилини хушнуд этишмоқда. Айниқса, Ўзбекистон ССР халқ артисти Фарогат Раҳматова. Ҳусан Шарипов, Шуҳрат Рўзиохунов, Равшанов Мўминова маби, хушовоз хонандалар, Рашида Азимова, Латофат Баратхўжаева сингари раққосалар ижро этган диларабо қўшиқлар, жозибадор рақслар томошабинларда катта таассурот қолдиришти.

Санъаткорлар шу кунгача «КПСС XXV съезди», Ойбек номли совхозлар ва «Победа», Ленин номли колхозларда концертлар кўйиб беришди. Улар районнинг бошқа хўжаликлари меҳнаткашларига ҳам хизмат қилиш ниятидадилар.

ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

Мукаррама Турғунбоева номли «Баҳор» Давлат рақс ансамбли санъаткорлари ҳам район меҳнат аҳлининг бир неча кунлик меҳмони бўлишди. Гастроль давомида ансамблнинг район хотин-қизлар педагогика билим юрти талабалари билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда ансамблнинг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз Миркаримова коллективнинг босиб ўтган тарихий йўли ва келгуси режалари ҳақида сўзлаб берди.

Учрашув сўнгида ансамбль катта концерт программасини намойиш қилди.

А. ҲАЙДАРОВ.



ПАНАМА халқи реакцион тузумни ағдариш учун кураш олиб бораётган Никарагуа ватанпарварлари билан бирдамлик изҳор қилмоқда. Суратда: бирдамлик митинги.
М. Уртминцев фотоси. **ТАСС фотохроникаси.**

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СОФИЯ. Варна шаҳрида халқаро радио эшиттириш ва телевидение Бош ассамблеяси ва маъмурий кенгашининг сессиялари ўз ишини тамомлади.

Бу сессияларнинг қатнашчилари Бош ассамблея ва маъмурий кенгаш радиоэшиттириш ҳамда телевидение соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидладилар. Улар қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар ва Бош ассамблея ҳамда маъмурий кенгаш халқларнинг қуролсизланиш, халқаро кескинликни юмшатиш, хавфсизлик ва тинчлик учун кучайиб бораётган курашини акс эттиришни ўзининг муҳим вазифаси бўлиб қолади, деб уқтириб ўтдилар.

КОНАКРИ. Гвинея Халқ Революцион Республикаси президенти Аҳмад Секу Туре Гвинея Демократик партиясининг 32 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқида бундай деди: Гвинея Халқ Революцион Республикаси империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашни давом эттиришга қатъий қарор бергандир. Бу республика Африкадаги миллий озодлик ҳаракатларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайверади. Гвинея демократик партияси эндиликда Гвинея давлат партияси деб аталади.

(ТАСС, 15 май).

ЯКУНЛОВЧИ МАШҒУЛОТЛАР АРАФАСИДА

СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЎҚУВ ЙИЛИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ТУГАЛЛАЙЛИК

Сиёсий ва иқтисодий таълим системасида 1978—1979 ўқув йили тамом бўляпти. У партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён қилинган кўрсатмаларни муваффақиятли амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кенг авж олдирилган бир вазиятда, меҳнаткашларни КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш вазиятида ўтди.

Ўнинчи чақирик СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайлов натижаси, В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллиги шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида совет кишилари актив қатнашганлиги, 1979 йилнинг тўрт ойлик планлари муваффақиятли бажарилганлиги, меҳнаткашлар юксак сиёсий онглилиги, меҳнатдаги ғайрати ошганлиги, уларнинг ғоявий бирлиги ҳамда Ленин партияси теварагига жипслашганлигини кўрсатувчи ёрқин далил бўлди.

Коммунистлар, партиясиз меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий таълимини ташкил этишда масъулиятли давр бошланди. Май ойининг охирида, июнь ойида сиёсий ва иқтисодий мактабларда, тўгараклларда, семинарларда, марксизм-ленинизм университетларида, коммунистик меҳнат мактабларида, халқ университетларида якунловчи машғулотлар ўтказилади. Бу машғулотлар тингловчиларга ўтилган ўқув материалларини системалаштиришга, ўқув йили давомида олинган билимларни мустаҳкамлашга, партия ташкилотлари ҳамда пропагандистларга эса коммунистлар ва партиясизларнинг билим даражасини, сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг самарадорлигини объектив баҳолашга кўмаклашмоғи керак.

Партия комитетлари, уларнинг сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари якунловчи машғулотларга тайёргарликни кучайтириб юбордилар; улар бу йил ўрганилаётган партия ҳужжатларининг мазмунига асосланиб, якунловчи конференциялар, суҳбатлар, семинарлар, синов ва имтиҳонлар, рефератлар ва амалий топшириқларнинг табақалаштирилган тематикасини ишлаб чиқдилар; республика, область, район, шаҳар ва корхоналарда, колхозларда, совхозларда ўнинчи беш йиллик халқ хўжалик плани қандай бажарилаётганлигини кўрсатувчи аналитик маълумотлар, диаграммалар тайёрламоқдалар; партия пропагандаси ташкилотчилари, ўқув раҳбарларининг семинар-кенгашида якунловчи машғулотларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилмоқдалар. Қорақалпоғистон ва Тошкент область партия комитетлари бу масалани пропагандистларнинг область слётларида қараб чиқдилар.

Марксизм-ленинизм асослари бошлангич сиёсий мактабларидаги якунловчи машғулотлар аввалги йилларгаги каби одатда, суҳбатлар ўтказиш, партия активи мактабларида назарий ва методологик семинарлар, марксизм-ленинизм университетларида синов ва имтиҳонлар шаклида ўтказилади.

Партия ташкилотлари якунловчи машғулотларда биринчи навбатда, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль, ноябрь Пленумлари, СССР Олий Совети биринчи сессияси ҳужжатларида, КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик планининг 50 йиллиги тўғрисида»ги қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг, партия ва давлатимиз бошқа раҳбарларининг сайловолди нутқларида баён қилинган назарий қоида ва сиёсий хулосаларни муҳокама қилишни кўзда тутмоқдалар.

Якунловчи машғулотлар тематикасида СССРнинг янги Конституцияси мавзуида ўтказиладиган курсларнинг туб масалаларига катта ўрин берилади. Кўпгина партия ташкилотлари тингловчиларнинг истакларини ҳисобга олиб, ўқув йилини «СССР Конституцияси — марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришга қўшилган катта ҳисса», «СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социалистик жамият ҳаётининг қонуни», «СССР Конституцияси социалистик демократияни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг қудратли қуроли», «Совет ташқи сиёсатининг принциплари ва уларнинг СССР янги Конституциясида мустаҳкамланганлиги», «СССР Конституцияси ва идеологик кураш проблемалари» ва бошқа мавзуларда назарий конференция ўтказиш билан тугаллашни планлаштирмоқдалар.

Олий звенодаги тингловчиларнинг кўпчилиги Л. И. Брежневнинг «КПСС идеология ишининг энг муҳим масалалари» асарини зўр қизиқиш билан ўрганяпти. Андижон область партия комитети ва бошқа баъзи партия комитетлари шу мавзуда илмий-амалий конференция ўтказдилар. Якунловчи машғулотлар, семинарлар, партия активи мактаблари муҳокамасига «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС идеология ишининг энг муҳим масалалари» китоби — ғоявий-сиёсий ишларни такомиллаштириш программаси», ўқув раҳбарларининг семинар-кенгашида якунловчи машғулотларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилмоқдалар. Қорақалпоғистон ва Тошкент область партия комитетлари бу масалани пропагандистларнинг область слётларида қараб чиқдилар.

Марксизм-ленинизм асослари бошлангич сиёсий мактабларидаги якунловчи машғулотлар аввалги йилларгаги каби одатда, суҳбатлар ўтказиш, партия активи мактабларида назарий ва методологик семинарлар, марксизм-ленинизм университетларида синов ва имтиҳонлар шаклида ўтказилади.

Партия ташкилотлари якунловчи машғулотларда биринчи навбатда, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль, ноябрь Пленумлари, СССР Олий Совети биринчи сессияси ҳужжатларида, КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик планининг 50 йиллиги тўғрисида»ги қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг, партия ва давлатимиз бошқа раҳбарларининг сайловолди нутқларида баён қилинган назарий қоида ва сиёсий хулосаларни муҳокама қилишни кўзда тутмоқдалар.

Якунловчи машғулотлар тематикасида СССРнинг янги Конституцияси мавзуида ўтказиладиган курсларнинг туб масалаларига катта ўрин берилади. Кўпгина партия ташкилотлари тингловчиларнинг истакларини ҳисобга олиб, ўқув йилини «СССР Конституцияси — марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришга қўшилган катта ҳисса», «СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социалистик жамият ҳаётининг қонуни», «СССР Конституцияси социалистик демократияни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг қудратли қуроли», «Совет ташқи сиёсатининг принциплари ва уларнинг СССР янги Конституциясида мустаҳкамланганлиги», «СССР Конституцияси ва идеологик кураш проблемалари» ва бошқа мавзуларда назарий конференция ўтказиш билан тугаллашни планлаштирмоқдалар.

Олий звенодаги тингловчиларнинг кўпчилиги Л. И. Брежневнинг «КПСС идеология ишининг энг муҳим масалалари» асарини зўр қизиқиш билан ўрганяпти. Андижон область партия комитети ва бошқа баъзи партия комитетлари шу мавзуда илмий-амалий конференция ўтказдилар. Якунловчи машғулотлар, семинарлар, партия активи мактаблари муҳокамасига «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС идеология ишининг энг муҳим масалалари» китоби — ғоявий-сиёсий ишларни такомиллаштириш ва намойиш қилишга алоҳида эътибор бермоқлари керак.

Коммунистик меҳнат мактабларининг якунловчи машғулотларида тингловчиларнинг ишлаб чиқариш планларини ва социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганликларини, илғор ташаббусларни оммалаштиришда уларнинг иштирокини таҳлил қилиш лозим. Ўқувнинг натижаларини «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвонига тақдим этиш ва уни тасдиқлаш вақтида, мутахассисларни янги лавозимларга кўтариш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш вақтида ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Сиёсий ва иқтисодий ўқув натижаларини чиқариш ишчанлик, юксак талабчанлик вазиятида ўтказилиши керак. Ўқув йилининг натижалари пухта таҳлил қилиниши партия бюроси мажлисларида, коммунистларнинг йиғилишларида қараб чиқилиши керак. Бу эса ижобий тажрибани умумлаштириш ва мустаҳкамлашга, сиёсий ва иқтисодий ўқишни йўлга қўйишда рўй берган камчиликларнинг сабабларини очиб ташлаш, уларни бартараф қилиш йўлларини белгилашга ёрдам беради. Айни бир вақтда 1979—1980 янги ўқув йилига тайёргарлик муносабати билан илгари сурилаётган вазифаларни, айниқса пропагандистларни танлаш ва ўқитиш масалаларини КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида қараб чиқиш керак.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва бошқа баъзи область партия ташкилотларининг тажрибаси навбатдаги ўқув йилига тайёргарликнинг сифатли бўлиши кўп жиҳатдан сиёсий ва иқтисодий мактаблар ва семинарларни, комсомол сиёсий тўгараклларини тингловчилар билан барвақт тўлдиришга боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам якунловчи машғулотлар жараёнининг ўзидаёқ сиёсий ва иқтисодий таълим системасини янги ўқув йилигача тингловчилар билан асосан тўлдиришга эришиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ҳамда хўжалик органларига фанлар юзасидан пропагандистларнинг миқдорини белгилаш ва айни вақтда уларни ёз мавсумида танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёргарликдан ўтказишни ташкил этиш имконини беради.

Янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш вақтида партия ва комсомол ўқуви, иқтисодий таълим системасининг турли бўғинларида ва оммавий пропагандининг бошқа формаларида ўрганилиши лозим бўлган асосий фанлар ҳисобга олинмоғи керак.


Партия ўқуви системасининг бошланғич бўғинида тингловчиларнинг асосий кўпчилиги «Ривожланган социализм Конституцияси»ни ўргана бошлайди. Илгари тавсия қилинган ҳамма фанларни батамом ўрганган, бироқ ўрта бўғинга ўта олмайдиган тингловчилар «Дунёни ўзгартирувчи таълимот» янги курсини ўрганишга киришадилар.

Партия маорифининг ўрта бўғинидаги кўпгина тингловчилар «Ривожланган социализм Конституцияси» курсини ўрганадилар. Бу курсни ўтган тингловчилар «КПСС тарихи», «Фалсафа билимлари асослари», «Илмий коммунизмнинг бошланғич курси», «Сиёсий иқтисод» каби фанларни қайтадан ўрганга бошлашлари керак. Мазкур фанларни ўтиш КПСС XXV съезди материаллари ва СССР янги Конституциясини ўрганиш муносабати билан ўқитилмай қолган эди. Марксизм-ленинизм асосларининг баъзи мактабларида тингловчиларнинг истагини ҳисобга олиб, «Дунёни ўзгартирувчи таълимот» курси киритилиши мумкин.

Партия ўқувининг олий звеносида кўпгина тингловчилар «КПСС идеология ишининг энг муҳим масалалари», «СССР Конституцияси. Назария ва сиёсат проблемалари» ва илгари ўта бошлаган бошқа фанларни ўрганишни давом эттирадилар ва тугаллайдилар. Ана шу фанларнинг ҳаммасини ўтиб бўлган ходимлар учун ривожланган социализм, КПССнинг экономика, аграр ва социал сиёсати назарияси ва практикаси, социалистик турмуш тарзи, фан-техника тараққиёти, халқаро муносабатлар ва СССРнинг ташқи сиёсати юзасидан янги ўқув курслари тайёрланмоқда.

Иқтисодий таълим системасида тингловчиларнинг асосий диққат-эътибори меҳнат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини ошириш соҳасидаги илғор тажриба проблемаларига доир иқтисодий курсларни ўрганиш ва тамомлашга қаратилади. Шу билан бирга илғор тажриба соҳасидаги курсларнинг материаллари «Социализм ва меҳнат», «Социалистик жамиятда инженерлик меҳнати», «Раҳбарнинг меҳнати» курслари билан узвий равишда боғлаб ўрганилиши мумкин. «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишнинг илғор тажрибаси» иккинчи циклидаги фанларни ҳали ўрганмаган меҳнаткашлар учун ҳам тавсия қилиш мумкин. Баъзи иқтисодий мактабларда ва семинарларда янги ўқув йилидан бошлаб учинчи цикл — фан-техника тараққиётига доир курсларни жорий этиш кўзда тутилади. Бу курсларни оммавий равишда ўрганиш эса ўн биринчи беш йилликда кўзда тутилмоқда.

Партия ташкилотлари сиёсий ва иқтисодий таълим системасида якунловчи машғулотлардан, ғоявий-сиёсий ишларнинг барча формаларидан, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларидан кишиларни коммунистик ғоявийлик, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашда, ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг ижодий кучғайратларини 1979 йилги халқ хўжалик планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун курашга сафарбар этишда кенг фойдаланишлари керак.





ПОЙТАХТДАГИ бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида янги маҳсулот тайёрлайдиган машиналар ишга туширилди. Суратда: илғор ишчи Маргуба Раҳимова янги машиналар билан ишламоқда. У смена топшириқларини мунтазам ошириб бажариш билан бирга фақат аъло сифатли маҳсулот топширяпти.

ПОЙТАХТДАГИ «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг офсет босма фабрикасида 8 рангли китоб босиш машинаси ишга тушди. Суратда: пешқадам ишчи Мираҳмад Мирсоатов янги машина билан иш устида.

М. Нуриддинов фотолари.

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

«Узспецводпренаж» трестининг Тошкент областидаги ихтисослашган механизация кўчма колоннаси коллективи барча районларда кенг кўламда сув иншоотлари ва шахобчалари қуриш ишларини олиб боряпти. Колоннамиз ишчи ва хизматчилари ойлик ва квартал топшириқларини мунтазам ошириб бажаришмоқда. Жумладан, Қалинин, Бўка ва Паркент районларида қурилаётган объектларда вақтдан ўзиб меҳнат қилинмоқда.

Умумколлектив ютуқларига турли миллат вакилларидан иборат аҳил ва иноқ кишиларнинг бир оила фарзандларидек меҳнат қилиши салмоқли ҳисса бўлиб қўшиляпти. Жумладан, ўзбек Қ. Саъдуллаев, рус Ю. Ушаков, татар А. Мустафин, украин О. Натенко, қозоқ Ж. Абилов, яҳудий Г. Несвижевской, тожик М. Аҳмедов, грек Н. Монолис каби илғорлар смена топшириқларини мунтазам 1,5—2 бараварга етказиб адо этишмоқда.

Р. ҲАСАНОВ,
колонна ишчиси.

КОМСОМОЛ АХБОРОТИ

ЎҚУВЧИЛАР ТАШАББУСИ

Тошкент районидаги 36-мактаб ўқувчилари тез-тез хўжаликларга чиқиб, дала ишларида ота-оналарига ёрдам берадилар. Кейинги вақтларда академик Р. Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасининг цитрус ўсимликлари бўлимларига тез-тез чиқиб турмоқдалар. Ўқувчилар цитрус ўсимликларини ўстириш ва парваришлаш бўйича тажриба орттиришган.

Яқинда ана шу мактаб коллективи илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг цитрус бўлимларини оталиққа олиш ва лимонзорда ўқувчилар ишлаб-чиқариш бригадасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Область комсомол комитети ёшларнинг бу ташаббусини маъқуллади.

●

ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН БИР САФДА

Улуғ Ватан уруши йилларида акаларимиз, оталаримиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Уз жонларидан кечиб, шаҳар ва қишлоқларни, ота-юртни душмандан озод қилдилар. Уларнинг орасида жуда кўплаб ёшлар, комсомол аъзолари ҳам бор эди.

Яқинда областимиздаги саноат корхоналари, қурилишлар, олий ўқув юртлари, техникумлар, мактабларда жасорат дарслари бўлиб ўтди. Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар, кечалар ўтказилди. Уларда ёшлар оталар жасоратига доимо содиқ эканликларини, бу жанговар анъаналарни абадий давом эттиришларини билдирдилар. Шу муносабат билан Хотира куни ўтказилди. Бу шарафли кун «Қаҳрамонлар билан бир сафда» шиори остида ўтди. Уни комсомол-ёшлар юксак меҳнат унумдорлиги ва аъло ўқиш билан нишонладилар.

●

112 ЦЕНТНЕР УЧУН

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Ж. Худойбердиев бошлиқ комсомол-ёшлар звеноси ҳар куни 15—20 гектар ердаги ўсимликни парвариш қилиб, кунлик нормани 1,5 бараварга етказиб адо этмоқда. Ёш механизаторлар сифатли ишлов бериш билан бирга етарли даражада ўғит ҳам солмоқдалар.

Шу хўжаликдаги Ф. Хўжаназаров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ҳам агротехник талабларни ўз вақтида ва сифатли ўтказяпти. Илғор бригада аҳли ҳар куни 15 гектардан ортиқ майдонни культивация қилмоқда.

Яқинда бу коллективлар имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар ердан 112 центнердан «кахрабо дон» етказишга азму-қарор қилдилар.

«РУС ТИЛИ—СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ ТИЛИ» II БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

ИККИНЧИ ОНА ТИЛИМИЗ

БЕПОЁН Советлар диёрида яшовчи халқлар маданий тараққиётида рус тилининг қудратли таъсири бениҳоя катта. Шунинг учун ҳам она-Ватанимизда каттадан кичик—ҳамма СССР халқларининг миллатлараро тили — рус тилини меҳр-муҳаббат билан ўқиб, ўрганмоқда.

Республикамиздаги билим ўчоқларида бўлганимда Қалининн районидаги 14-ўрта мактабда ҳам рус тили ва адабиёти ўқувчиларининг энг севимли фанига айланган. Қуйида педагогик коллективнинг бу борадаги ибратли ишлари билан танишамиз.

МЕҲР-МУҲАББАТ УЙҒОТИБ

«МАКТАБЛАРИМИЗДА рус тилини ўқитишга катта эътибор берилиши лозим, — деб ёзган эди атоқли давлат арбоби С. Оржоникидзе. — Рус тили француз ёки немис тили қаторида ўқитилмасдан, балки Иттифоқ тили, Октябрь революцияси тили сифатида ўқитилиши керак». Дарҳақиқат, қудратли рус тили улуғ Ленин тилидир. Шунинг учун уни ёшлар ҳам чин қалбдан севиб катта иштиёқ билан ўрганмоқдалар.

Бизнинг мактабимизда ҳам бу фанни ўқитишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатдаги мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус тилини ўқитиш ва ўрганиш тажрибасига бағишланиб Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси тавсияларига амал қилаётган педагогик коллективимиз таълим самарадорлигини ошириш, методик ишлар савиясини кўтариш, машғулотларнинг қизиқарли ва мазмунли бўлишини таъминлаш йўлида бир мунча тажриба тўплади.

Рус тили ва адабиётини ўқитишни янада яхшилашда илғор иш усуллари жуда кўл келмоқда. Бу фанни ўрганиш юзасидан илмий-амалий конференциялар, методик йиғилишлар, очиқ дарслар ўтказиш яхши самаралар берди.

1976—1977 ўқув йилидан эътиборан 4-синфларнинг бир группасида рус тили машғулотлари янги программа асосида олиб борилмоқда. Эндиликда эса 4, 5 ва 6-синфларнинг ажратилган группаларида бу фанни махсус программа бўйича пухта ўзлаштириш йўлга қўйилган. Ҳозир 100 га яқин ўқувчи ана шундай группаларга жалб этилди.

Рус тили фанини чуқур ўрганаётган синфларда ўқувчиларнинг билим ва малака даражалари, ўқув сифати ҳар томонлама юқори бўлаяпти. Мактабда рус тилини ўқитиш бўйича оддий программа билан атрофлича ўрганиладиган синфлардаги ўқитиш методида деярли ўзгариш йўқ. Аммо, синфларда рус тили фанига ҳафтали соатлар кўшиб берилган, оғзаки нутқни ўстириш ва бу тилда эркин сўҳбатлашиш учун қўшимча соатлар ажратилган.

Умуман, мактабда рус тили фанини ўқитиш учун катта қулайликлар мавжуд. Билим ўчоғида дарслар кабинет системасида олиб борилади. Бунинг учун учта кабинет ажратилган. Улар ҳозирги замон техника воситалари: кинопроектор, эпидиаскоп, фильмоскоп, магнитофон, радиола билан жиҳозланган. Ўқитувчилар ўқувчиларга чуқур билим беришда илғор педагогик методлардан фойдаланадилар. Бизда рус тили тўгараги ҳам ишлаб турибди.

Рус тили фанини ўрганишга бўлган қизиқишни ошириш йўлида барча имкониятларни ишга соламиз.

Т. ТОИРОВ,
мактаб директори.

ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА

УМУМИЙ-мажбурий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан рус тилини ўрганиш методлари ҳам такомиллашиб бормоқда. Бизнинг мактабимизда рус тилини чуқур ўрганиш асосан 1976—1977 ўқув йилидан бошланди. Ўқувчиларда бу фан машғулотларига бўлган қизиқишни оширишда турли усул ва методлар ишга солинмоқда. Шунинг учун ҳам ўқувчилар уни ҳавас билан ўрганишяпти.

Рус тилини ўқитишда техника воситалари катта роль ўйнамоқда. Булар ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишларини ва активлигини оширишни таъминлайди, таассуротларини чуқурлаштиришга имкон беради. Шу сабабли улардан фойдаланишга эътибор кучайди. Диафильм ва ўқув фильмларни кўрсатиш, магнитофон лентараларига ёзилган текстларни эшиттириш мактаб ҳаётига мустаҳкам кириб бормоқда.

Магнитофон лентараларига ёзилган текстларни тез-тез эшиттириб туриш фойдадан ҳоли эмас. Ўқиш дарсларида, диктантлар ёздирилаётганда магнитофон энг қулай техник воситадир.

Шу ўринда магнитофон ва эпидиаскоп орқали ўтилган дарслар ҳақида гапирмоқчиман. 4-«Б» синфда замон феълларини ўтишда мен сайланма диктантдан фойдаландим. Бунинг учун магнитофонни қўяман ва ўқувчилар текстни бир неча марта эшитадилар. Текстдан ўтган замон феълларини кўчириб ёзиш машқини бажаришда ҳар бир гап икки-уч марта қайта эшиттирилади. Пауза вақтида ўқувчилар бу жумларни дафтарларига тўғри ёзиб оладилар. Ўқувчиларнинг машқлари эпидиаскоп ёрдамида экранда кўрсатилади. Ўқувчилар унга қараб ўз ёзганларини қайта текширадилар.

Рус тилидаги текстларни ифодали ўқишни ўргатишда магнитофон жуда қулай воситадир. Бу иш оғзаки эшитишни ривожлантириш, орфоэпик, орфографик саводликни ўргатиш ва ифодали ўқиш малакасини ошириш орқали ўзлаштирилади. Масалан, 4-синфда «Совет Армияси» шеъри ўрганилганда у ифодали ўқилади. Иккинчи марта магнитофон орқали эшиттирилади. Пауза вақтида ўқувчилар ўргуларни қўйиб оладилар. Сўнг айтилиши ва ёзилиши қийин бўлган сўзларни луғат дафтарларига кўчириб оладилар. Учинчи босқичда эса шеърни ифодали ўқишга киришиладилар.

Дарсда техника воситалари сифатида диафильмларни қўллаш ҳам мумкин. Бунинг учун ўқитувчи темага доир диафильмларни танлайди. Бу иш ўқувчилар нутқини бойитади ва равонлигини таъминлайди.

Диафильмлардаги кадрлар билан ишлаш ўқувчиларнинг активлигини оширади. Бинобарин, рус тили дарсларида техника воситаларидан тўғри фойдаланиш бу фанни яхши ўрганишга катта ёрдам беради.

Ҳ. ИКРОМОВА,
рус тили ўқитувчиси.

ҚИЗИҚАРЛИ, ТАЪСИРЛИ

МАКТАБИМИЗДА биринчи синфданоқ ўқувчилар русча сўзлар билан таништирилади. Ўқишнинг дастлабки кунларидан бошлаб улар синф, парта, доска каби сўзларни билиб оладилар. Шу тариқа аста-секин рус тилидаги сўзлар пухта ўзлаштира борилади.

Программа аста-секин мураккаблашиб боради. 4-синфда ўқувчилар текстларни мустақил ўқий оладиган бўлишади. Шу билан бирга улар рус тилида эркин фикр юритишга одатланадилар.

Техника воситаларисиз биз ўқувчиларга чуқур ва пухта билим бера олмаймиз. Дарсларда ўқувчилар магнитофондаги ёзувларни, пластинкаларни эшитадилар. Айни бир вақтда ўз овозларини магнитафонга ёзадилар. Сўнгра уларни ўзлари эшитиб, йўл қўйилган хатоларини тузатишга киришадилар.

Овозли диафильмлар ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса, ўқувчиларнинг ўзлари диафильмга овоз беришганда рус тилига бўлган қизиқишлари янада ортади.

5-синфда ўқувчилар рус ва чет тили луғатларига мурожаат қилиб, керакли сўз ва ифодаларни топа биладилар. Янги сўзлар алоҳида луғат дафтарларига ёзиб борилади. Бинобарин, рус тилини ўрганишда луғат билан ишлаш катта аҳамиятга эгадир.

Амалий машғулотларга ҳам катта эътибор берамиз. Бу билан ўтилган темалар янада мустаҳкамланади. Бу хил дарсларга ўқувчилар актив қатнашадилар. Сўзларнинг талаффуз қилиниши бир неча маротаба такрорланади. Шу асосда улар мустақил фикрлашга одатланиб, саволларга тўғри жавоблар қайтаришга ўрганадилар. Текстлар устида ишлайдилар ва уларни анализ қилиб борадилар.

Табиат қўйнига саёҳат дарслари бизда тез-тез бўлиб туради. Бунинг учун ўқувчилар колхоз боғини, теплицаларни бориб кўрадилар. Бунда фақат табиат манзараларини кузатиш билан чегараланиб қолмай, балки ўқувчилардан олган таассуротлари асосида кичик ҳикоялар ва шеърлар ёзиш талаб қилинади. Шунингдек, уларга хилма-хил ижодий топшириқлар берилади.

Рус тилини ўрганишда эртаклар катта аҳамиятга эгадир. Эртаклар болаларни ажойиботлар дунёсига олиб киради. Масалан, Пушкинниинг «Олтин балиқ ва балиқчи ҳақида» эртаги ўқувчилар томонидан инсценировка қилинди. Болаларнинг ўзлари асар мазмуни асосида иллюстрациялар чизишди, альбом тайёрлашди, музикалар танлашди. Агар шу темага диафильм бўлса, уни дарснинг охирида кўрсатилгани маъқул.

Дарсларда биз кўпинча ашулалардан фойдаланамиз. Бу, ўқувчиларда рус кўшиқларига катта қизиқиш уйғотади ва уларни интернационал дўстлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

А. ҚОСИМОВА,
рус тили ўқитувчиси.

СЕРФАЙЗ ХОНАДОН

Оила бошлиғини одатда боғбонга қиёс этишади. Чунки қишлоқ кўзини қувнатувчи анвойи гуллар парваришловчи соҳибкор билан баркамол фарзандлар тарбиялаб вояга етказувчи ота-она меҳнатида ажиб бир уйғунлик бор. Бинобарин, хонадон файзи кўп жиҳатдан бевосита оила бошлиғига боғлиқ. Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозида истиқомат қилувчи Самиғ ака Ғозиев хонадонида бўлган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Самиғ ака 18 ёшида немис-фашист босқинчиларига қарши курашга отланди. 1942 йилда биринчи Украина фронтининг ҳарбий қисмларидан бирида Полтава шаҳрида дастлабки жангга кирди. Танк командири сифатида Днепр дарёсини кечиб ўтишда, Украина ва қардош Польшанинг оккупация қилинган қатор шаҳар ва қишлоқларини озод этишда қатнашди. Кўрсатган жасоратлари эвазига бир қатор жанговар медаллар, шунингдек III даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланди. Бироқ 1944 йилнинг баҳорида Белосток шаҳри яқинида оғир яраланиб, ортга қайтди.

Тинч меҳнат шароитида ҳам Самиғ ака қўпчиликка ўрнак кўрсатди, колхоз правленияси раисининг муовини, партия ташкилотининг секретари, бош агроном бўлиб ишлади. Шу билан бирга умр йўлдоши Турсун ая билан олти фарзандни меҳнатсевар, эл корига ярайдиган кишилар қилиб тарбиялашди.

Колхоз теплица хўжалигининг донги бутун республикамизга кетган, десак муболаға бўлмайди. Самиғ аканинг тўпғич ўғли Собитжон ва қизи Мунираларнинг шу ерда меҳнат қилишади. Муборакни район алоқа бўлимидаги энг ишчан ва ҳушмуомала телефонистка сифатида ҳурмат қилишади. Равшан техникумни тугаллаб, район ижроия комитетида бош бухгалтер бўлиб хизмат қиляпти. Нурали ва Феруза лар мактабда таълим-тарбия олишади.

Хонадонда бундан ташқари яна бир табаррук инсон яшайди. Коллектив хўжаликни ташкил этиш ва уни мустаҳкамлашга бевосита ҳисса қўшган, уруш йилларида фронт ортида меҳнат жасорати кўрсатган Тошмомо буви ҳозир 87 ёшга кирди. Унинг Самиғ акадан бошқа ўғил-қизлари ҳам бола-чақали бўлиб, фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Онахонни деярли бутун маҳалла «буви» деб эъзозлайди.

Оила аъзолари ўртасидаги аҳиллик ва ўзаро ҳурматни кўриб ҳар қандай кишининг ҳаваси келади. Ҳар куни кечқурун унумли меҳнатдан сўнг тўкин дастурхон атрофида дилкаш суҳбат бошланади. Самиғ ака уруш ҳақида гапиришни ёқтирмайди, кўпроқ ҳозирги замонанинг тўкислиги, юрт маъмурчилигини тилга олади. Буви эса набираларига асримиз бошида халқ чеккан азоб-уқубатлар ҳақида сўзлаб, ҳурсандчиликдан кўзига ёш олади...

Самиғ ака ҳозир ҳам бекор ўтирмайди. Қўлидан келгунича колхоз юмушларига қарашиб туради, ёшлардан ўз маслаҳатини аямайди. Зеро фарзандлари меҳнатсеварлик, эл хизматига ҳамиша шай туриш каби ибратли ҳислатларни ундан ўрганишган.

А. БОБОБЕКОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун
СИРТҚИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ТАРБИЯЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚИШГА УРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР УЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат (асли), 3х4 см. катталикдаги 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, паспорт.

Билим юртига кирувчилар: ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (ёзма), ва СССР ТАРИХИ (оғзаки)дан ҚИРИШ ИМТИҲОНИ ТОПШИРАДИЛАР.

ҲУЖЖАТЛАР 30 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 1-Қорасув массиви (1, 16-автобусларнинг «Троицкий кўприги» бекати).

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

19—20 МАЙ СОАТ 19.30 ДА
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

К О Н Ц Е Р Т И

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Мўътабар ИЎЛДОШЕВА.

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Карима УЗОҚОВА.

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Комилжон ИБРОҲИМОВ, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Раҳима РИХСИЕВА, Муҳаббат КУБАНОВА.

Интермедия ва юморда: Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

БИЛЕТЛАР СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛМОҚДА.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ ҚОШИДАГИ
161-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КОНФЕТЧИЛАР — ҳунар-техника билим юрти программаси бўйича, 8—10 синфни битирганлар учун (ўқиш муддати—1 йил).

КАРАМЕЛЧИЛАР — ҳунар-техника билим юрти программаси бўйича, 8—10 синфни битирганлар учун (1 йил).

КОНДИТЕРЛАР — ҳунар-техника билим юрти программаси бўйича, 8-синфни битирганлар учун (2 йил).

НОНВОЙЛАР — техника билим юрти программаси бўйича, 10-синфни битирганлар учун (1 йил). Стипендия 30 сўм.

ХАМИРТУРУШ ТАЙЁРЛОВЧИЛАР — ҳунар-техника билим юрти программаси бўйича, 8—10 синфни битирганлар учун (1 йил).

СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИГА ХИЗМАТ КУРСАТИШ ВА УЛАРНИ ТУЗАТИШ БЎЙИЧА МЕХАНИКЛАР — техника билим юрти программаси бўйича, 10-синфни битирганлар учун (1 йил). Стипендия 30 сўм.

СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИГА ХИЗМАТ КУРСАТИШ ВА УЛАРНИ ТУЗАТИШ БЎЙИЧА МЕХАНИКЛАР — ҳунар-техника билим юрти программаси бўйича, 8-синфни битирганлар учун (2 йил).

СЛЕСАРЛАР (нон заводлари учун) — ҳунар-техника билим юрти программаси бўйича, 8-синфни битирганлар учун (2 йил).

СЛЕСАРЛАР (пиво заводлари учун) — ҳунар-техника билим юрти программаси бўйича, 8-синфни битирганлар учун (2 йил).

СИГАРЕТ ВА ПАПИРОС АГРЕГАТЛАРИНИНГ МАШИНИСТЛАРИ — 10-синфни битирганлар учун (1 йил, фақат қизлар қабул қилинади).

Ҳунар-техника билим юрти программаси бўйича қабул қилинганлар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва махсус иш кийимлари ҳамда шаҳардан ташқарида яшовчилар етоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

ПРАКТИКАДА ИШЛАГАН ИШ ҲАҚИНИНГ 33 ПРОЦЕНТИ БЕРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

ЎҚУВ ЮРТИДА КЕЧКИ МАКТАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, корхонадан йўлланма, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй.

Спорт

ФУТБОЛ

МАЙДОНЛАРИДА

Олий лига қатнашчилари ўртасида саккизинчи турнинг иккита уйини бўлиб ўтди. Одессанинг «Черноморец» командаси Ереванининг «Арарат» футболчиларини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғолиб келди. «Нефтчи» — «Заря» командасини қабул қилди. Биринчи бўлиб меҳмонлар ҳисобни очишди. Учрашув тугашига 7 минут қолганда Аббосов 11 метрлик жарима тўпини киритиб, ҳисобни тенглаштирди. Учрашувни 1:1 ҳисобида тугатган командалар очколарни бўлишиб олишди.

Биринчи лига командалари ҳам навбатдаги тур уйинларини ўтказдилар. Лига пешқадамларидан бири «Шинник» ўз майдонида «Уралмаш» футболчиларини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устун келди. Бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Динамо» — «Трактор» — 3:0, «Факел» — «Звезда» — 3:1, «Спартак» (ИФ) — «Металлист» — 1:1, «Терек» — «Торпедо» — 0:0, «Кубань» — «Помир» — 0:0, «Спартак» (Н) — «Олга» — 3:0, «Карпат» — «Таврия» — 1:0, «Жальгирис» — «Кузбасс» — 0:1, «Ниетру» — «Металлург» — 2:2, «Спартак» (Ор) — «Колхозчи» — 3:1.

ЖАҲОН

ВЕЛОПОЙГАСИ

Чехословакия, Польша, ГДР йўллари бўйлаб ўтказилаётган жаҳон велопойгаси қатнашчилари кеча олтинчи босқичга якун ясадилар. Учинчи босқичда мамлакатимиз терма командасининг энг ёш вакили С. Сухорученков узоқ вақт пешқадамлик қилган бўлса-да, финишда ғалабани бериб қўйган эди. Лекин бу муваффақиятсизликдан руҳан тушмаган пойгачимиз ғолиблик учун асосий даъвогарлардан бири эканлигини исботлади. Кейинги тўртинчи ва бешинчи босқичларда маррага биринчи бўлиб келди ва шахсий ҳисобда пойгада карвонбошилик қилмоқда. Погроиска — Польгора — Кошице оралиғидаги 169 километрлик масофани 4 соат 23 минут, 06 секундда босиб ўтган С. Сухорученков пешқадамлик мавқеини яхшилаб олди. Спортчимиз иккинчи ўринни эгаллаб турган Болгария пойгачиси Стайковдан роппа-роса 4 минут олдинда бормоқда. Яна бир вакилимиз А. Пиккуус шахсий ҳисобда бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

Беш босқичга 58 соат 03 минут 36 секунд вақт сарфлаган СССР терма командаси команда ҳисобида пешқадамлик қилмоқда.

СПАРТАКИАДА

ОДИМЛАРИ

Эртага пойтахтимиздаги «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон XVIII спартакиадаси байроғи кўтарилади. СССР халқлари ёзги VII спартакиадаси олдидан сўнгги имтиҳон бўладиган бу улкан анжуман республикамизнинг энг кучли спортчиларини аниқлаб беради.

Спартакиада байроғи кўтарилгач, енгил атлетикачиларнинг турли масофаларга беллашувлари бўлади. Шу кунларда эса Тошкент шаҳри ва областларида спартакиада мусобақалари давом этмоқда. 22 тур бўйича ғолиблар аниқланди. Қолган 15 тур бўйича чемпионлар ҳам шу ойда маълум бўлади.

Спартакиада программаси асосида мусобақалашган оғир атлетикачиларнинг кўрсатган натижалари айниқса қувонарлидир. Полвонларимиз республика рекордлар жадвалига бир йўла 15 та тузатиш киритдилар. Уч спортчимиз биринчи бор халқаро классдаги спорт мастери нормасини бажардилар.

Команда ҳисобида 207 очко тўпланган Тошкент области вакиллари биринчи бўлишди.

ҚИШЛОҚДА МАДАНИЙ САВДО

Партия XXV съезди қарорларида аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг прогрессив усулларини кенг жорий этиш, имкони борича харидорлар вақтини тежаш масалаларига катта эътибор берилган эди. Бу вазифаларни областимиздаги қатор районлар сингари Коммунистик район матлубот союзи кооператорлари ҳам муваффақиятли амалга ошириб келмоқдалар.

Бу борада айниқса райондаги «Ёшлик» универмагининг коллективи ўрнак кўрсатаётир. Универмагда Уржия Ойнабекова, Жанғил Қурбонова, Абдували Саҳибоев, Жамила Тўшиева, Комила Имомова синсари тажрибали савдо ходимлари билан бир қаторда Рухиддин Рисқибоев, Шароф Қодиров, Бозоргул Ўрисбекова, Камол Жанбершиев каби ўз касбига меҳр қўйиб бораётган ёшлар ҳам анчагина.

«Ёшлик»нинг хўжалик магазинини кўп йилларди бери Мавжуда Қосимова бошқариб келаётир. Бу ширинсухан, чақчақ кооператор фақат ўз коллективидагина эмас, бутун районда ҳам обрў топган. У қўпгаб ёшларга мураббийлик қилди. Мавжуда опанинг ўзўзига хизмат кўрсатиш методини тўла жорий этиш савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ошириб боришдаги жонкуярлиги туфайли , яхши самараларга эришилди.

Совет савдоси аълочиси Жанғил Қурбоновани универмаг коллективи ташаббускор сифатида ҳам эъзозлайди. Унинг кооперация соҳасида ишлаётганига йигирма беш йилдан ошди. Шу давр ичида опа Янгибозорда қатор замонавий савдо масканларининг қад кўтаришига ҳисса қўшди, анчагина шогирдлар тарбиялади.


— Коллективимиз аҳил ва уюшқоқ,— дейди универмаг директори Ғайрат Бегматов.— Ҳоҳ кекса, ҳоҳ ёш савдо ходими бўлсин ўз зиммасидаги вазифани сидқидиллик билан бажаришга интилади. Бунинг натижасида йил сайин план ва мажбуриятларимизни ортиғи билан бажаришга эришяпмиз.

Универмаг коллективи шу йилнинг биринчи кварталида ҳам астойдил ишлаб областда биринчи ўринни олди. Аҳолига пландаги 1875 минг сўмлик ўрнига 1.953 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Универмаг коллективи халқаро болалар йилини ҳам муносиб нишонламоқда. Кичкинтойлар учун сотиладиган сифатли товарлар тури кўпайди. Энг қувончлиси шу кварталнинг ўзида жуда чиройли қилиб қурилган «Болалар дунёси» магазини фойдаланишга топширизди.

Хулоса қилиб айтганда «Ёшлик»да партиямиз кўрсатмаларини амалга ошириш, яъни қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни тобора яхшилаш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда.

С. ҲАСАНОВ.







Суратда: (юқоридан) «Ёшлик» универмагининг ташқи кўриниши; (пастда) савдо залларида хизмат пайти.

А. Абалян фотолари.

«ТРАКТОР» ОПЕРАЦИЯСИ

«Ленинизм» колхозига қарашли «Беларусь-80» тракторининг ҳайдовчиси Раҳматулла Маматов Муротали қишлоғидан Бўка томонга кетаётиб, чорраҳада чап томонга бурилди. Бунда у ҳаракат ҳавфсизлиги қоидасининг энг оддий талабига риоя қилмади — рўпарасидан келаётган транспорт воситасини ўтказиб юбормади. Бу транспорт воситаси эса, юқори тезликда келаётган «07—64 ТШТ» номерли енгил «Жигули» автомашинаси эди. Натижада, машина ҳайдовчиси Бахтиёр Иномов оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

Бу воқеа шу йил 23 мартда содир бўлди. Афсуски, бу ҳар замонда бир бўладиган «камёб» воқеа эмас. Асосан далада ишлатишга мўлжалланган, катта йўлда юрганида ҳам тезлиги у даражада хавфли бўлмаган транспортнинг бу тури — тракторларда тез-тез авариялларга йўл қўйилиши мавжуд қоида-тартибларнинг энг оддий нормаларига ҳам эътибор бермасликдан келиб чиқмоқда. Бунга ҳайдовчилар ҳам, турли хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам айбдордирлар.

Областимизнинг кўча ва йўлларида шу йилнинг 1 кварталида 7 трактор аварияси рўй берди, икки киши ҳалок бўлди, 6 киши жароҳатланди. Бу, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ярим баравар кам. Лекин, авариялар ва ҳалок бўлганларнинг 50 процентга камайиши, бизни тинчлантирмайди, албатта. Тракторлек «беозор» транспорт воситасида бирота ҳам фавқулодда ҳодиса содир бўлмаслиги керак.

1979 йил 1 апрелдан 30 апрелгача ўтказилган Бутуниттифоқ «Трактор» операцияси ҳудди мана шу вазифани бажариш мақсадига қаратилди. «Трактор» операциясига пойтахт областимизнинг ГАИ ходимлари, колхоз-совхозларнинг трактор парклари, бошқа хўжаликларнинг транспорт паркларидан шухта тайёргарлик кўришди. Автоинспекторлар трактор паркларида бўлиб, ва аввало ҳайдовчиларнинг ўзлари трактордан фойдаланиш қоидаларига тўла-тўкис риоя қилишлари зарур. Жумладан, ҳар бир тракторнинг давлат номер белгилари ва прицепларда ҳам бу номер бўлиши шарт. Бурилганда ва тўхтаганда ёқиладиган сигнал-чироқлари албатта техник соз бўлиши талаб қилинади.

Трактор билан рўй берадиган аварияларда ва уларда одам ҳалок бўлиши, асосан, қоидага мутлақо хилоф равишда одам ташиш билан боғлиқ. Қишлоқ жойларда ҳатто тўйларга кишиларни прицепда ташиб «хизмат қилаётган» трактор ҳайдовчиларини учратиш мумкин. Бу, каттик жазони қўллашга лозим бўлган қоидабузарликдир. Шўнинг учун ҳам тракторларнинг прицепларида «Одам ташиш таъқиқланади» деган ёзув бўлиши шарт. Шунингдек, трактор билан прицеплар уланган жойда, албатта, яна қўшимча эҳтиёт боғлагичлар бўлиши даркор.

Дала ишларида фойдаланишга мўлжалланган учғилдиракли тракторларнинг юк ташувчи транспорт сифатида серқатнов йўлларда юриши қатъиян ман этилади.

Шу йил 11 апрелда Оҳангарон районида Тоштемир Холмирзаев давлат номер белгиси йўқ «Т-28Х-3» маркали тракторни бошқариб бораётиб, қиялиқдан ағдариб юборди. Бунинг сабаби — трактор техник жиҳатдан носоз эди.

13 апрелда Янгийўл районидаги 11-кўчма механизациялаштган колоннанинг тракторчиси Рашид Жуманов «87-09 ЮШ» номерли тракторини Тошкент-Янгийўл йўлининг 29-километрида авария қилди. Текширишдан маълум бўлишича, бу авария ҳам тракторнинг техник носозлигидан келиб чиққан.

«Трактор» операцияси ойлигида Тошкент, Калинин, Оққўрғон районлари ақтив қатнашди. Бу районларда бироита ҳам авария содир бўлгани йўқ. Бу эса, район автоинспекцияси ходимлари хўжаликлар билан ҳамкорликда яхши ишлаётганларини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, трактор авариялларининг кўп қисми кеч соат 8 дан кейинга тўғри келади. Демак, хўжаликларнинг раҳбарлари ишдан сўнг транспорт воситасини назоратсиз қолдириб, ҳайдовчилар ихтиёрига бериб қўядилар.

Операция ўтказилаётган кунларда Қибрай посёлкасидан Чирчиқ шаҳрига кетаётган «МТЗ-50» трактори-нинг ҳайдовчиси В. Бугаев кабинада уч кишини олиб кетаётганида тўхтатилди. Унда на трактор ҳайдаш ҳуқуқига эга гувоҳнома, на йўл варақаси бор эди! Виктор Бугаев «Трактор» операцияси ўтказилаётгани у ёқда турсин, ўзи ишлайдиган 94-кўчма механизациялашган колоннада техника ҳавфсизлиги инженери ва ҳатто механигининг фамилиясини ҳам айтиб беролмади. Бу мазкур хўжаликда тартиб-интизом ва тарбиявий ишлар қай даражада эканлигини кўрсатадиган «ёрқин» далилдир!..

Область автомобиль инспекцияси «Трактор» операцияси ойлигида аниқланган камчилик ва нуқсонларни батафсил таҳлил қилиб, барча районлар автоинспекцияси ходимлари ва хўжаликлар раҳбарларига трактор паркидан янада яхшироқ фойдаланиш, авариялларнинг олдини олиш бўйича янги тавсия ва кўрсатмалар берди.

«Трактор» операциясида автоинспекторлар ва жамоатчилик вакилларидан 936 киши қатнашди. Улар область районларида 124 марта рейд ўтказдилар. Бу рейдларда бир ой давомида 2372 қоидабузарлик ва қоидага хилоф хатти-ҳаракатлар қайд қилинди. Шундан 567 таси тракторларнинг носозлиги оқибатида содир бўлди. 219 трактор ҳайдовчиси спиртли ичимлик ичиб, 406 киши гувоҳномасиз трактор бошқаргани аниқланди. Шунингдек, 344 тракторнинг давлат номер белгиси бўлмаган, 389 трактор уйда сақланган.

Натижада 93 киши маълум муддатга трактор ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилди, 437 ҳайдовчига жарима солинди.

Трактор ҳайдовчилари ва хўжаликлар раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб, шу каби камчиликларни бартараф этиш ва такрорланмаслиги учун барча тадбирларни кўришлари зарур.

Т. МАҲАМАТБЕКОВ,
Тошкент область Давлат автоинспекциясининг ходими.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ТАБИАТ ОЛАМИДА

154-МЕТЕОРИТ

МАМЛАКАТИМИЗ территориясида икки юз йилдан буён метеоритлар ҳисоби олиб борилмоқда. Шу икки аср мобайнида космосдан 153 та «тош меҳмон» тушганлиги қайд қилинди. Яқинда эса 154-метеорит шу ҳисобга киритилди. У Краснодар ўлкасидаги Кутаис деб аталган кончилар посёлкасига тушган. Шу боисдан ҳам у «Кутаис» деб номланди.

Метеоритни шу ерлик Л. Корниенко фамилиялик аёл кўрди. У боши устида галати бир овоз эшитди. Сўнг нарироқда тутаб ёниб турган тошни пайқади. Бу тош тим қора рангда бўлиб, товуқ тухумидек келарди. Тошни Москвага жўнатишди. Олимлар хулосаси: бу тош каттароқ бир метеоритнинг парчаси бўлса керак.

ТАБИАТНИ АСРАБ

СССРда ЮНЕСКО режасига кўра халқаро «Инсон ва биосфера» программасига мувофиқ катта ишлар амалга оширилмоқда. Кўзда тутилган вазифалардан бири биосфера қўриқхоналари системасини яратишдир. Бундай қўриқхоналар жуда катта майдонни эгаллаб уларда табиат мувозанати тўла сақланади. Шу боисдан бизда қўриқхона ҳуқуқини олган жойлар биосфера қўриқхоналари, деб эълон қилинади. Булар, жумладан Кавказ, Березин (Белоруссия), Репетек (Туркманистон), Сари-челак (Қирғизистон) ва Сихотэ-Алинь (Узоқ Шарқ) қўриқхоналаридир.

НОЁБ БОДОМ МАЪЛУМКИ, ёввойи бодом данаги тахирроқ бўлади. Аммо, Дарвоза тоғ тизмаси (Тожикистон)нинг одам оёғи етмаган дараларида ботаниклар экспедициясининг данаги ширин ва пўсти юпқа бўлган ёввойи бодом дарахтларини топишди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Девордаги суратлар. Бадиий фильм. 1-серия. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — Мусиқали программа. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Звездочёт. 16.35 — Концерт. 17.00 — Қишлоқ ишлар ва муаммолар. 17.30 — Шахмат мактаби. 18.00 — Ўрлёнок. 18.30 — Мидлионлар ленинча университети. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Врач суҳбати. 20.00 — Девордаги суратлар. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Вақт. 22.05 — Халқаро олимпия «Спортлотоси». 23.15 — Ҳужжатли фильмлар. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Сут эмизувчиларнинг аҳамияти ва уларни СССРда мухофаза қилиш. 12.00 — Беруний номли Тошкент Политехника институти 50 ёшда. 12.30 — Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Светофор. 14.00 — Сўнгги гайдук. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Шашка-79. 19.00 — Фан. 19.30 — Аҳборот. 19.45 — Шеърият мухлисларига. Ўткир Рашид. 20.00 — Интернационал дўстлик клуби. 20.30 — Аҳборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Сўнгги учрашув. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 20.45 — Реклама.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/V да Петр I, 18/V да Афсоналар водийсида.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/V да Келинлар ҳўзғолони, 18/V да Қиёмат қарз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/V да Она қизим, 18/V да Гулбаҳор қаҳр?

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа: КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент, —7, ЛЕНИН кўчаси, 41, | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар —334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; аҳборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01977. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2393.